



МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АХЛОКИЙ ЖИХАТДАН ТАРБИЯЛАШДА ЭРТАКЛАРНИНГ АХАМИЯТИ

Н.Хужаназарова

ҚДПИ каттга уқитувчи

Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болаларни ахлокий жихатдан тарбиялашда эртакларнинг ахамияти баён этилган.

Калит сўзлар: таълим, халқ оғзаки поэтик ижоди, хайвонлар, ўсимликлар, жонсиз табиат ва предметлар тўғрисидаги эртаклар.

Эртақ – халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири саналаиб, тўқима ва уйдирмага асосланади [Ўзб.т.и.луғ., 5-жилд, 52]. Бадий асар турларидан бўлиб, турли жанрларда яратилган эртакларда воқеа-ходисалар далилларга асосланмайди. Эртакларда баён этилаётган ҳодисаларнинг аксарияти ҳақиқатдан йироқ бўлади. Шундай бўлса-да, эртаклар мактабгача тарбия ёши (шунингдек, бошланғич таълим) ўқувчиларининг тафаккурларини бойитиш, ҳаёлот оламини кенгайтириш, фантазиясини ривожлантириш, нутқ бойлигини кўпайтиришда катта тарбиявий таъсирга эга. Эртаклар, энг аввало, болаларда тасаввур қилиш лаёқатини ривожлантиради. Бадий ҳамда дидактик имкониятларга эга эртакларда фолкълор, тарихий ва таълимий сюжетлар акс этади.

“Эртақ” сўзи XVI асрдан аввал яратилган ёзма манбаларда қайд этилган. Луғавий жихатдан рус тилидаги “сказка” сўзи “казать” атамаси асосида шаклланган. Ушбу атама ўзида: рўйхат, тартиб, аниқ баён маъноларини англатган. Рус тилидаги замонавий “сказка” тушунчаси XIX асрда тўла шаклланган. Бунга қадар “баснь” (“масал”), XI асрга қадар эса “кощуна” (“ўғит, хикмат”) атамалари кенг қўлланилган.

“Эртақ” (“сказка”) сўзи “нима ҳақидадир билиб олиш”, “бу нима эканлигини англаш” ва айтилган нарса “нима учун” эканлигини англаш маъноларини ифодалаган.

Оилада эртаклардан болалар томонидан ижтимоий борлиқни онгли ва ихтиёрсиз равишда англаши, ижтимоий қоидалар ва ҳаётий мақсадларни тушуниб олиши ҳамда атрофдагилар билан тўғри мулоқотда бўлишга ўргатишга кўмаклашиш мақсадида фойдаланилган. Эртаклар авлодларга авлодларга уларнинг ҳаётий тажрибаларига оид катта ҳажмдаги маълумотларни етказиб беришга хизмат қилган. Манбаларда эртакларнинг бир қанча турлари мавжудлиги таўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Жумладан:



1. Фольклор эртаклар (улар мазмунида анъанавий фольклор сюжетлари ётади ва улар халқ қўшиқлари, лапарлар, ўйинлар билан бойтилган бўлади).

2. Ҳайвонлар, ўсимликлар, жонсиз табиат ва предметлар тўғрисидаги эртаклар (эртак қахрамонлари сифатида турли ҳайвонлар, ўсимликлар, қушлар, жонсиз табиат ва предметлар танланиб, уларга хос хусусиятлар асосида асосий мазмун очиб берилади; характерли жиҳати бундай эртакларда ҳайвон, ўсимлик, жонсиз табиат ёки предметлар сўзлайдилар, ҳаракатланадилар, бир сўз билан айтганда инсонга хос жиҳатларни ўзларида намоён қиладилар).

3. Сеҳрли эртаклар (бундай эртакларнинг асосий мавзуси сеҳргарлик, фавқулотда ғайри табиий кучга эга бўлиб, улар “ниманинг қидириш”, “кимнидир озод қилиш”, “кимни (ёки нимани)дир мағлаб этиш”га йўналтирилган бўлади; бундай эртакларда учун “учар гилам”, “ўзи юрар этик”, “кўзга кўринмасликни таъминловчи қалпоқ”, “қайнар хумча”, “барча тилакларни бажо келтирувчи дев (жин, гном, рух ёки олтин балиқча ва бошқалар) каби персонажлар танланади; эртак ниҳоясида асосий қахрамонлар ўз ниятларига етадилар ва албатта ғолиб бўладилар).

4. Афсонага айланган тарихий воқеаларни ҳикоя қилувчи эртаклар (тарихий воқеа-ҳодисалар муболағавий сифатлар асосида ривожлантирилади, қахрамонлар куч, ақл-идрок, фаҳм-фаросат ва хатти-ҳаракатларда тенгсиз қилиб таърифланади; уларнинг ўзига хослиги тарихий далилларга асосланганлик ҳисобланади).

5. Маиший эртаклар (ижтимоий муносабатлар ва уларни ташкил этишга оид қоидалар асос қилиб олиниб, болаларга улар тўғрисидаги маълумотлар берилади).

6. Фавқулотда ўткир ақлий салоҳият, фаҳм-фаросат ва онгли хатти-ҳаракатларни ифодаловчи эртаклар.

7. Латифалар (сюжет жиҳатидан унча мураккаб бўлмаган, кам сонли образларга асосланувчи эртаклар саналади; қахрамонлар ўзларининг ўткир ақлий салоҳияти, тафаккури, фикрлай олиш ва ҳозиржавоблик қобилиятига кўра маълум масаланинг ечимини топишга ёрдам берадилар).

8. Туркум эртаклар (бундай эртакларда воқеалар ривожини муайян образ ёки персонажлар ёрдамида бойитиб борилади; маълум ҳолатлар тўғрисида мустақил эртак сифатида ҳикоя қилинади; масалан, ўзбек халқ латифаларида Афанди, қирғиз халқ эртакларида Алдаркўса, қозоқ халқ эртакларида эса Ўмирбой Лаққи образлари орқали маиший турмуш, ижтимоий муносабатлар, маълум фаолиятга бўлган муносабат ҳамда инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ҳақида ҳикоя қилинади).



Эртактлар афсоналардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади. Улар ўртасидаги фарқли жиҳатлар қуйидагилардир:

1) афсонада муайян вақт, жой ифодаланади ва улар сирли маълумотларни очишга хизмат қилади, эртактлар учун эса географик жой аҳамиятли эмас;

2) тарихийлик афсоналарга хос жиҳат бўлиб, эртактларда тарихийлик у қадар аҳамият касб этмайди;

3) афсона бир қанча ишончли маълумотлар негизида шаклланди, эртактнинг асосий шarti эса қизиқарли сюжетларга бой бўлиши саналади;

4) эртакт ва афсоналар учун ягона бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд, улар: оғзаки баён этиш, жамоавийликка асосланиш ва муаллифнинг маълум эмаслигидир.

Эртактлар одатда “Бор экан-у, йўқ экан”, “қайсидр бир мамлакатда” (“қайсидир бир подшоликда”) сўзлари билан бошланади. Кўп ҳолатларда эртакт аytувчи “мен ҳам ўша жойда бўлдим”, “мен ҳам бу воқеани ўз кўзим билан кўрдим” тарзида эртакт воқеаларининг иштирокчиси ҳам бўлиши мумкин. Аксарият эртактлар учун муайян образлар қаҳрамон сифатида танланади. Масалан, ўзбек халқ эртактлари учун – Качал полвон, Пучукой, Қорбобо, Қорқиз, рус халқ эртактлари учун – Иванушка-дурочок, Василий Богатыр, Дед Мороз, Снегурочка, араб халқ эртактлари учун – Шахризода, Синбад, инглиз халқ эртактлари учун – Гномлар, Санта Клаус, Оппокой (Белоснежка) ва бошқалар асосий образлар саналадилар. Деярли барча халқларнинг эртактлари учун салбий образ Ялмоғиз кампир танланган бўлиб, унинг қиёфаси кўрқинчли, ёвуз қилиб тасвирланади. Унинг уйи ҳам оддий уйлардан фарқли қилиб тасвирланади, яъни, иккита товук оёқли бу уй айланма ҳаракат қилади. Ушбу образнинг яна бир ўзига хос жиҳати у ўз супургиси ёрдамида уча олишидир.

Турли миллий эртактларда болаларни энг оддий ахлоқ-одоб қоидаларига ўргатувчи “Агар саломининг бўлмаганда, бир ямлаб икки ютардим” ибораси қўлланилади.

Эртактларнинг ижобий қаҳрамонлари эса – гўзал малика, довюрақ шахзода, меҳнаткаш хунарманд, ўз ишининг устаси бўлган деҳқон, доно кексалар сифатида намоён бўладилар.

REFERENCES

1. Zamiraxon, T. (2022). FOREIGN EXPERIENCE IN TEACHING THE SUBJECT OF FORMATION OF MATHEMATICAL IMAGINATION IN HIGHER



EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND THEIR IMPLEMENTATION. *Yosh Tadqiqotchi Jurnali*, 1(5), 435-442.

2. Toshmatova, Z. J. (2021). Interaction of kindergarten and family in modern conditions. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 853-860.

3. Jumanovna, T. Z. (2022). FORMATION OF A SCIENTIFIC WORLDVIEW IN CHILDREN OF PRESCHOOL AGE (ON THE EXAMPLE OF EXACT SCIENCES). *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(11), 501-504.

4. Jumanovna, T. Z. (2022). ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL CHARACTERISTICS OF PRESCHOOL EDUCATION SYSTEM ABROAD. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(11), 538-541.

5. Jumanovna, T. Z. (2022). FEATURES OF MATHEMATICAL DEVELOPMENT IN PRESCHOOL CHILDREN. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(07), 117-119.

6. Toshmatova, Z., & Nematova, S. (2023). MUSICAL DIDACTIC GAMES IN PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. *Академические исследования в современной науке*, 2(5), 125-137.

7. Toshmatova, Z., & Nizomiddinova, M. (2023, February). INNOVATIVE METHODS OF TEACHING THE SUBJECT OF THE FORMATION OF MATHEMATICAL REPRESENTATIONS. In *Международная конференция академических наук* (Vol. 2, No. 2, pp. 110-119).

8. Toshmatova, Z., & Xusanova, M. (2023). TEACHING PRESCHOOL CHILDREN TO UZBEK FOLK DANCE ELEMENTS. *Development and innovations in science*, 2(2), 63-70.

9. Jumanovna, T. Z., & Dilabzal, X. (2023). MUSIQA MASHG'ULOTLARIDA JISMONIY HARAKATLARDAN FOYDALANISH VAZIFALARI. *Ta'lim fidoyilari*, 5(2), 42-50.

10. Jumanovna, T. Z., & Shaxlo, T. (2023). MATEMATIK TASAVVURLARNI SHAKLLANTIRISH FANINI O'QITISHDA INNOVATSION USULLARI. *Ta'lim fidoyilari*, 5(2), 51-59.

11. Zunnunova, N. (2023). CASES THAT NEGATIVELY AFFECT THE PREPARATION OF CHILDREN FOR SCHOOL EDUCATION. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(5), 1071-1076.

12. Zunnunova, N. (2023). PRIORITIES FOR PREPARING PRESCHOOL CHILDREN FOR SCHOOL. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(5), 1046-1050.



13. Yusupova, N., & Mirxaitova, S. (2015). MUSTAQIL ISHLAR-TALABALAR MUSTAQIL FIKRLASHLARI OMILI SIFATIDA. In Сборники конференций НИЦ Социосфера (No. 51, pp. 80-82). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
14. Botirova, M. (2022). THE ORGANIZATION OF EDUCATION ON THE BASIS OF MODERN EDUCATION IS A GUARANTEE OF IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(07), 1-4.
15. Mrixaitova, S., Yormatova, S., & Xodjayeva, N. (2021, May). Teaching students to think creatively through independent education in higher education is a pressing issue. In Euro-Asia Conferences (Vol. 3, No. 1, pp. 226-228).
16. Mirkhayitova, S., & Gaipnazarova, G. S. (2022, December). Basics of Technology of the Education Process. In E Conference Zone (pp. 69-72).
17. Sohiba, M. (2022). DIDACTIC PROCESS PROJECT METHODS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(12), 1450-1454.
18. Sohiba, M. (2022). APPLICATION OF EDUCATIONAL TECHNOLOGIES TO THE PROCESS OF TEACHING. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(12), 932-935.
19. Aminov, B., & Mirxayitova, S. (2023). THE TECHNOLOGY OF AWAKENING THE MOTIVATION OF INTEREST IN KNOWLEDGE IN CHILDREN OF JUNIOR SCHOOL AGE. American Journal of Pedagogical and Educational Research, 11, 1-5.
20. Mirxayitova, S., & Aminov, B. (2023). WAYS OF USING INNOVATION TECHNOLOGIES IN EDUCATIONAL PROCESSES. Conferencea, 47-51.
21. Maxmudjonova, A. D., & Mirxayitova, S. (2023). BOSHLANG'ICH SINFLARDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH ORQALI TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI. Conferencea, 42-46.
22. Mirzamaxmudovna, X. J. N. (2022). THE IMPORTANCE OF VISUAL ACTIVITY IN THE SOCIALIZATION OF PRESCHOOL CHILDREN. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(05), 94-98.
23. Mirzamaxmudovna, K. N. (2021). Spiritual And Ethical And Socialization Of Pupils Of Preschool Educational Institutions Psychological-volitional Aspects. JournalNX, 7(06), 165-168.
24. Isaxanova, M. E., Xujanazarova, N. M., & Irmatova, M. I. MODERNIZATION OF PRESCHOOL EDUCATION.(2020). European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(3), 120-124.
25. Khujanazarova, N. M. (2023). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PREPARING EDUCATORS FOR SCHOOL EDUCATION. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 12(03), 52-55.



26. Mirzamaxmudovna, X. N., & Raximovna, A. N. (2023). PROBLEMS OF DEVELOPMENT AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PRESCHOOL CHILDREN. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 15(1).

27. Hujanazarova, N. (2022). IMPORTANCE OF FAIRY TALES IN MORAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN. *International Academic Research Journal Impact Factor 7.4*, 1(6), 98-104.

28. Mirzamahmudovna, K. N. (2022). THE ROLE OF NATIONAL METHODS IN THE DETECTION AND PREVENTION OF NERVOUS DISORDERS IN CHILDREN. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429*, 11(11), 505-507.

29. SALIJANOVNA, M. D. Typological Contrasts of the Russian and Uzbek Languages in the Methodological Aspect. *JournalNX*, 7(1), 74-77.

30. Dilafruz, M. (2023). THIS ARTICLE DESCRIBES THE ROLE AND IMPORTANCE OF DIDACTIC MATERIALS IN ORGANIZING TRAINING SESSIONS THAT MEET THE REQUIREMENTS OF THE PRESENT TIME. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603*, 12(02), 50-52.

31. Dilafruz, M. (2022). OPTIMIZATION OF PUBLIC ADMINISTRATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND NATIONAL PRACTICE. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603*, 11(12), 230-235.

32. Solidjanovna, M. D. (2022). Teaching Russian Language in Universities. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(1), 86-88.

33. Махмудова, Д. С. О СИНОНИМИИ В ЛЕКСИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ РУССКОГО ЯЗЫКА. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 7-ҚИСМ, 54.

34. Umidovich, A. B. (2022). LEGAL GROUNDS FOR THE DEVELOPMENT OF THE SPORTS INDUSTRY IN UZBEKISTAN. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603*, 11(11), 46-49.

35. Umidovich, A. B. (2022). PECULIARITIES OF ADAPTIVE PHYSICAL EDUCATION, ITS ROLE IN SOCIETY, IMPORTANCE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429*, 11(11), 335-337.

36. Umidovich, A. B., Azamovich, A. M., & Ismoilovna, Y. F. (2022). Methods of education of endurance in basketball players of senior school age. *international journal of social science & interdisciplinary research issn*, 11(10), 105-109.

37. Саруханов, А. А., Азизов, М. А., & Аминов, Б. У. (2023, January). Новые технологии для развития силовых качеств у студентов. In *INTERNATIONAL*



SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS" (Vol. 2, No. 1, pp. 217-225).

38. Akramjonovich, Y. I., Abdumalikovich, U. A., Urinboyevna, U. Z., Abduxamidovich, M. Y. I., Azamovich, A. M., & Umidovich, A. B. (2022). Main Characteristics Of Table Tennis In International Sport And Technologies Of Playing It. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 2183-2189.

39. Umidovich, A. B. (2023). UNUSUAL VOLLEYBALL TRAINING SESSIONS. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 12(06), 1-4.

40. Аминов, Б. У. (2023, May). СПОРТИВНАЯ ПОДГОТОВКА ЮНЫХ СПОРТСМЕНОВ. In *International Conference" Modern Pedagogical and Philological Education Sciences"* (Vol. 1, No. 1, pp. 50-56).

41. Aminov, B. U. (2023, May). TALABALARGA O ‘TILADIGAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDAGI YANGILIKLAR. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION"* (Vol. 2, No. 6, pp. 11-16).

42. Aminov, B. U. (2023, May). BOLALARNING SUVDAN QO ‘RQMASLIKKA VA SOG ‘LOM BO ‘LIB SHAKLLANISHIDA SUZISHNING O ‘RNI. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 2, No. 6, pp. 23-31).

43. Maxkamov, A. Y., Ahmadjonov, I. R., & Aminov, B. U. (2022). Gimnastika Mashg ‘Ulotlarida Shikastlanishi Oldini Olishni Ahamiyati. *Miasto Przyszłości*, 28, 273-275.